

“Regionalgeologiya” ДУК  
2022 йил 2 февралдаги  
38-сонли бүйругига  
12-ИЛОВА

**“Regionalgeologiya” ДУКнинг  
Комплеанс ва ички назорат бўлими бошлигининг лавозим  
ЙЎРИҚНОМАСИ**

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Комплеанс ва ички назорат бўлими бошлиги (кейинги ўринларда бўлим бошлиги) тўғридан-тўғри “Regionalgeologiya” ДУК директори ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг Ички назорат бошқармасига (кейинги ўринларда корхона директори ҳамда бошқарма бошлиги)га бўйсунади.

1.2. Комплеанс ва ички назорат бўлим бошлиги Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг Ички назорат бошқармаси билан танлов асосида корхона директори буйруғи билан ишга қабул қилинади ва озод этилади.

**2. МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ВА КЕРАКЛИ БИЛИМ ДАРАЖАСИ**

2.1. Бўлим бошлиги лавозимига олий маълумотга эга бўлган шахс хизмат раҳбари лавозимига тайинланади. Ҳуқуқ, комплаенс, ички назорат ва аудит соҳасида ёки ҳуқуқ-тартибот органларида камидаги 5 йил иш стажи талаб этилади. Шу билан бирга жамоада ишлай оладиган, кўп миқдордаги ахборотга ва таҳлилий фикрга эга, диққатлилик ва мулоқатлилик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш қўнималарига эга бўлиши лозим.

2.2. Бўлим бошлиги қўйидагиларни билиши керак:

- Коррупцияга қарши курашиш бўйича Низом, Услубиёт, Йўриқнома ва Регламентлар хужжатлар;

- ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий-иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи Қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий хужжатлар;

- харидларни амалга ошириш бўйича Қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий хужжатлар;

- ходимлар билан ишлаш бўйича Қонунчилик, Мехнат Кодекси ва шулар асосида меъёрий хужжатлар билан ишлаш;

- статистика ҳисобини ташкил этиш, режа-ҳисоб хужжатлари, ҳисботларни тузиш муддатлари ва тартиби;

- Корхона бўлинмаларида Коррупцияга қарши кураш химатини шакллантириш бўлимининг фаолияти, кўрсаткичларини таҳлил қилиш усуллари;

- товар маҳсулотлари таннархини аниқлаш, моддий ва меҳнат харажатлари, улгуржи ва чакана нархлар нормативларини ишлаб чиқиш тартиби;

- янги техника ва технологияларни жорий этишнинг иқтисодий самарадорлигини, маҳсулотлар ракобатбардошлигини ошириш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирларини аниқлаш усуслари;

- Корхона жамоа шартномаси;
- Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигининг асосий қоидалари;

### **3. ЛАВОЗИМНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ:**

Комплеанс ва ички назорат бўлим бошлиғига ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади;

3.1. Корхонанинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш соҳасида:

- Корхона тизимида Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

- Корхонанинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Корхона дирекорига киритади;

- Корхонанинг фаолиятига оид норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

3.2. Корхона томонидан ишлаб чиқиладиган Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини Корхона тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсатига мослиги, мақбуллиги ва долзарблиги нуқтаи назардан баҳолайди ва хulosалар беради;

3.3. Корхона томонидан ишлаб чиқиладиган Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни киритиб боради.

б) Корхона Коррупцияга оид хуқуқбузарликларни профлактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳаси:

- Корхона Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди, уларнинг натижалари бўйича аниқланган хавф-хатарларни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқади ва Кўумитада Коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар рўйхатини яратади;

- Корхона томонидан ўхшаш хуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини баҳолаш мақсадида давлат ҳокимиятининг бошқа органларида коррупциявий хуқуқбузарликлар содир этилишининг ҳолати ва йўналишлари ҳақида маълумот тўплайди;

- маҳсус алоқа каналлари орқал Корхона ходимлари томонидан Коррупциявий хавф-хатарлар ва хуқуқбузарликақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қиласи ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди;

- Корхонада юритиладиган хизмат текширувлари реестири ёки ўтказилган хизмат текширувларини рўйхатга оладиган бошқа тегишли хужжатда коррупция фактларига доир хизмат текширувлари бўйича маълумотларнинг тўғри ёки тўлиқ акс эттириб борилишини назорат қиласди;

- давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилишда ва Корхона билан шартномавий муносабатларга (мехнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсларнинг ишончлилигини текшириш жараёнида иштирок этади;

- Корхона ходимларига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушинтириш ва тавсиялар беради;

- коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган маҳсус ахборот алоқа каналларининг фаолият натижаларини таҳлил қиласди ва таҳлилий материалларни Кўмита раисига етказади;

- Корхона фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни ва хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва ходимлар орасида сўровлар ўтказади;

- коррупцияга қарши курашишга оид талаб ва нормаларнинг бузилиши масалалари бўйича интизомий жавобгарликка тортилаётган шахсларга жазо чораларининг мутаносиблиги ва етарлилигини назорат қиласди;

- коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Корхонада коррупция фактлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қиласди;

- ҳар чорақда Корхонада коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда улардаги коррупциявий ҳолат ҳақида Кўмита раисига маълумот киритиб боради;

3.4. Корхонада коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида:

- Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларида Корхонага юклатилган вазифалар ижросини мониторинг қиласди ва назоратини амалга оширади;

- Корхона тизимида Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO 37001:2016 коррупцияга қарши халқаро стандарти талабларига мослигини таъминлайди;

- Корхона ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларининг коррупцияга қарши нормаларга оид қисмини ишлаб чиқишида иштирок этади;

- Корхона ходимлари, шу жумладан Коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлардаги ходимлар учун коррупцияни олдини олиш бўйича ўқув материалларнин ишлаб чиқади;

- ўқув режага мувофиқ Корхонанинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тренингларнинг ўтказилиши ҳамда уларда ходимларнинг иштирок этишини назорат қиласди;

- Корхона ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этади;

- Корхонанинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими ҳамда ижтимоий тармоқларидағи сахифаларига жойлаштирилган маълумотларни янгилаб борилишини таъминлайди;

- Корхона ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Корхонанинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ички хужжатларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қиласди;

- Корхонадаги коррупциявий хатти-харакатлар бўйича хизмат текширувларини ўтказиш ташаббусини илгари суради ва унга иштирок этади;

- Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга олиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг холислиги ва мақуллигини текширади;

- амалга оширилган мониторинг, хизмат текширувлари ва назорат тадбирлари натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

- Корхонадаги коррупцияга қарши курашишга маъсул тузулма(шахс)лар билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишларни ташкил этиш ва ходимларнинг хуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

- Корхона фаолияти унинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички хужжатларига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан текширувлар ўтказиш.

3.5. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш:

- аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга, қўмитада коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқишида иштирок этади;

- қонунчилик хужжатлари билан Корхона зиммаасига юклатилган коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларга мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборади ва уларнинг сўровларига жавоб беришда иштирок этади;

- коррупциявий хатти-харакатларни бартараф қилиш ёки коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда хуқукини муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қиласди.

Комплеанс ва ички назорат бўлим бошлиги қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

## **4-боб. КОМПЛЕАНС ВА ИЧКИ НАЗОРАТ БЎЛIM БОШЛИГИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Комплеанс ва ички назорат бўлим бошлиғи ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги хуқуқларга эга:

- ўзи фаолият юритаётган Корхона ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хulosаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;

- хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида Корхона ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш;

- Корхона ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий хуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;

- Корхона раисига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомилаштириш бўйича таклифлар киритиш;

- ўз фаолияти доирасида Корхона бўлим ва бошқармаларига ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш;

- Корхона нинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;

- текширув ўтказиш, хужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушинтиришлар олиш;

- Комплеанс ва ички назорат бўлим қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Комплеанс ва ички назорат бўлим бошлиғи ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги мажбуриятларга эга:

- ушбу Низом ва бошқа қонунчилик хужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;

- қонунчилик хужжатлари талабларига қаъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

- Корхонада жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи орган, ва бошқа хукуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

- Корхонанинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан Корхона бошқарув раисига маълумотнома киритиш;

- ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг биринчи ўн қунлигига коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисида чораклик ҳисботлар Корхона директорига ва Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг Ички назорат бошқармасига тақдим этиш;

## **5-боб. Жавобгарлик**

**5.1. Бўлим бошлиғи шахсий жавобгар ҳисобланади:**

- унга юкланган вазифаларни лозим даража бажармаганлиги учун;
- берилган хуқуқлардан нотўғри ва тўлиқ фойдаланмаганлиги учун;
- ваколатига киритилган масалалар бўйича ўз вақтида қарор қабул қилинмаганлиги учун;
- юқори органлар ва раҳбариятининг буйруқлари, кўрсатмаларини бажарилмагани учун.

**5.2. Шахсий ва бошқарма ходимларнинг тартиб қоидаларига риоя қилмаслик ва устидан қўйидаги назоратни амалга оширади:**

- ички меҳнат тартиби қоидалари;
- Корхона томонидан ишониб топширилган мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш.
- меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик, саноат хавфсизлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнгин ва фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш бўйича қонун ҳужжатлари, қоидалар ва нормалар талаблари;
- маҳфийлик ва ахборот хавфсизлиги режимининг талаблари, давлат сирларини, тижорат ва бошқа турдаги сирларни ташкил этувчи маълумотларнинг сақланиши, жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлари ва чекланган тарқатиш тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек бундай маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар ва ахборот ташувчилар билан ишлашнинг белгиланган тартиби, шу жумладан ахборотни қайта ишлаш техник воситалари.